

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАЛАРИ ТАЙЁРЛОВ ГУРУХЛАРИДА ТАРБИЯЛАШ ШАРОИТЛАРИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ

Хусанова Н. Ф., Шайхова Г.И.

ГИГИЕНИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА УСЛОВИЙ ВОСПИТАНИЯ В ПОДГОТОВИТЕЛЬНЫХ ГРУППАХ ДЕТСКИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ

Хусанова Н. Ф., Шайхова Г.И.

HYGIENIC ASSESSMENT OF THE CONDITIONS OF EDUCATION IN THE PREPARATORY GROUPS OF PRESCHOOL INSTITUTIONS

Khusanova N.F., Shaykhova G.I.

Тошкент тиббиёт академияси

Цель: объективная гигиеническая оценка условий обучения и воспитания в детских образовательных учреждениях с использованием новых подходов. **Материал и методы:** основными факторами, определяющими гигиеническое состояние дошкольных образовательных учреждений, явились земельный участок, здание, санитарно-техническое оборудование и его состояние, учебно-воспитательный процесс. Каждый из этих факторов содержит от 5 до 12 значимых показателей. Для количественной оценки каждого показателя использованы следующие критерии: хорошо – соответствует гигиенической норме на 100%; удовлетворительно – соответствие на 70-89,9%; неудовлетворительно – соответствие на 50-69,9%. **Результаты:** благодаря применению усовершенствованного способа оценки состояния детских образовательных учреждений будет получена объективная количественная и качественная характеристика каждого фактора, позволяющая принимать оперативное решение по управлению факторами риска, направленному на укрепление здоровья детей раннего возраста.

Ключевые слова: дошкольные образовательные учреждения, земельный участок, здание, санитарно-техническое оборудование и его состояние.

Objective: an objective hygienic assessment of the conditions of training and education in children's educational institutions using new approaches. **Material and methods:** the main factors determining the hygienic state of preschool educational institutions were the land plot, the building, the sanitary equipment and its condition, the educational process. Each of these factors contains from 5 to 12 significant indicators. The following criteria were used to quantify each indicator: good - meets the hygienic rate of 100%; satisfactory - compliance at 70-89.9%; unsatisfactory - compliance by 50-69.9%. **Results:** thanks to the use of an improved method of assessing the state of children's educational institutions, an objective quantitative and qualitative characteristic of each factor will be obtained, which will enable us to make an operational decision to manage risk factors aimed at promoting the health of young children.

Key words: children's educational institutions; land plot; building; sanitary equipment and its condition.

Мактабгача таълим муассасаларининг кенг тармоғи таълим тизимида муҳим бўғин бўлиб, унинг вазифаси ўсиб келаётган соғлом авлодни тарбиялаш ва таълим беришдан иборатdir [1,8,9].

Мактабгача таълим муассасаларида (МТМ) да тарбиялаш ва таълим бериш шароитлари СанҚвам-0351-17 "Ўзбекистон Республикасида Мактабгача таълим муассасалари тузилиши ва таркиби санитария қоидалари"га мувофиқ бўлиши керак. [8]. Бироқ МТМда гигиеник текширувлари ўтказилган вақтда уларнинг СанҚвам-0351-17 га мослиги даражасини баҳолаш қийин, чунки бундай баҳолаш учун гигиеник шароитларнинг айrim таркибий қисмлари, шунингдек, улар комплексини таърифловчи мезонлар мавжуд эмас [4, 5, 6, 8].

2008 йилда МТМ текширувлари ўтказишни оптималлаштириш бўйича услубий қўлланма тақдим этилган бўлиб [9], уларни амалга тадбиқ этиш санитария назорати МТМ даги таълим ва тарбия шароитларини баҳолашни объективлаштиришига имкон беради.

Мақсад

МТМда таълим ва тарбия шароитларини яхшилаш бўйича янги ишлаб чиқарилган тадбирларни асослашнинг аҳамиятини кўрсатиб бериш.

Материал ва усуллар

Тадқиқотлар Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 134, 148, 232, 270-сонли МТМда олиб борилди. МТМдаги таълим-тарбия шароити гигиеник меъёрларга мослигини баҳолаш учун хавф омиллари ва уларнинг гигиеник талабларга мос келмаслигини фойзларда аниқлашга имкон берадиган ҳар бир кўрсаткични сони ва сифатини баҳолаш мезонларидан фойдаланилди [7,9]. МТМдаги гигиеник ҳолатни аниқловчи асосий омил СанҚвам 0351-17 (ЎзРда)га мувофиқ қуидагилардир: 1) ер майдони; 2) бино; 3) санитария-техника жиҳозлари ва уларнинг ҳолати; 4) таълим-тарбия жараёни. Ушбу омилларнинг ҳар бири 5 дан 12 тагача аҳамиятли кўрсаткичларга эга [5,7,11].

Ҳар бир кўрсаткични сонини баҳолаш учун қуйидаги мезонлардан фойдаланилди: яхши – ги-

гиена меъёрларига 100%; қониқарли – 70-89,9%; қониқарсиз – 50-69,9% мос келади [1,2,3,4].

Натижә

1-жадвалда МТМ асосий кўрсаткичларининг таърифномаси келтирилган (гигиена талаблари га мослиги % да). Барча ҳисобланавётган аҳамиятли кўрсаткичлар бўйича олинган қийматларнинг улар сонига бўлинмаси ҳар бир омилнинг меъёрга мос келиш даражасини аниқлайди (% да).

Жадвал 1

МТМ асосий ва аҳамиятли кўрсаткичлари таърифномаси (гигиеник талабларга мувофиқлиги % да)

Асосий ва аҳамиятли кўрсаткичлар	Тадқиқот ўтказилган МТМ			
	134	148	232	270
Ер майдони	84,5	93,3	93,3	90
Санитария-ҳимояловчи ҳудуди	100	100	100	80
Биноларнинг даҳалараро тор кўчалардан узоқлиги	100	100	100	80
Фақат пиёдалар юрадиган радиус	100	100	100	100
Худуднинг тўсилганлиги:				
Девор билан	100	100	100	100
Яшил ихоталар билан	100	100	100	100
худуднинг кўкаламзорлаштирилганлиги	35	35	35	35
Битта жой учун майдон	100	100	100	100
Худуднинг зоналаштирилганлиги	100	100	100	100
Жисмоний тарбия майдончаси	100	100	100	100
Очиқ сузиш бассейни	0	100	100	100
Хўжалик ҳудуди	80	85	85	85
МТМ биноси	96,6	86,6	86,6	86,6
Сигими	100	100	100	100
Гуруҳдаги болалар сони	100	100	100	100
Гуруҳли ячейкаларнинг жойлаштирилиши	100	100	100	100
Бинолар майдони ва уларнинг ёритилганлиги	100	100	100	100
Машғулот заллари	100	100	100	100
Сузиш бассейни	90	-	-	-
Тиббиёт бўлими	90	90	90	90
Хизмат-хўжалик иншоотлари	100	100	100	100
Озиқ-овқат бўлими	90	90	90	90
Санитария-техник ҳолати	81,2	82,5	70	71
Иситиш, сув таъминоти, канализация	100	100	100	100
Хоналарнинг табиий ва сунъий ёритилганлиги	75	80	80	85
Мебеллар ва уларнинг жойлаштирилганлиги	60	60	80	80
Санитария-гигиена ҳолати	90	90	90	90
Тарбия жараёнини ташкил этиш	79,8	88,6	89	88
Болаларнинг овқатланиши	60	80	80	80
Тиббий таъминот	60	85	85	85
Кун тартиби	100	100	100	100
Жисмоний тарбия	90	90	90	90
Чиниқтирувчи муолажалар	89	88	90	85

Асосий омил – “Ер майдони” бўйича 134-сонли МТМда аҳамиятга эга 12 та кўрсаткичлардан 11 таси бўлиб, уларнинг якуний баҳоси гигиена меъёрларига мос келиши $1015:11=84,5\%$ ни ташкил этди, баҳолаш мезонига кўра бу қониқарли ҳисобланади. “Ер майдони” кўрсаткичидаги 148-сонли МБМда 12 та аҳамиятли кўрсаткичлар ҳисобланаб, уларнинг гигиена талабларига мувофиқлик якуний баҳоси $1120:12=93,3\%$ ни ташкил этди, бу эса фойдаланилган мезонларга кўра “яхши” деб баҳоланади.

134-сонли МТМ ер майдонининг аҳамиятли кўрсаткичларидан ҳудуднинг кўкаламзорлаштирилганлиги (меъёрга мувофиқлик 35%), очиқ сузиш бассейнининг йўқлиги (O) гигиеник талабларга жавоб бермаслигини яққол кўрсатиб туриди. Ушбу кўрсаткичлар гигиеник коррекциялашга муҳтоҷ хавф омиллариdir.

232 ва 270-сонли МТМда “Ер майдони” бўйича 12 та аҳамиятли кўрсаткичлар ҳисобга олинган бўлиб, уларнинг гигиеник талабларга мослигининг баҳоланиши йифиндиши $1120:12=93,3\%$ ва $1080:12=90\%$ ни ташкил этиб, фойдаланилган мезонларга биноан бу кўрсаткичлар “яхши” деб баҳоланади. 232 ва 270-сонли МТМ ер майдони кўрсаткичлари олдинги кўрсаткичлар сингари кўкаламзорлаштирилганлик гигиеник талабларга жавоб бермайди (35%). Бу кўрсаткич гигиеник коррекциялашга муҳтоҷ хавф омиллариdir.

134-сонли МТМ нинг бошқа кўрсаткичлари орасида табиий ва сунъий ёритиши (75%), мебеллар ва уларнинг жойлаштирилиши (60%), овқатланиш ва тиббий таъминот (60%) аҳамиятни тортади. Уларнинг бари аҳамиятли хавф омиллариdir ва гигиеник коррекциялашга муҳтоҷ.

Гигиеник талабларга жавоб беролмайдиган шунга ўхаш кўрсаткичлар 148-сонли МТМ да ҳам аниқланди, аммо МТМнинг санитария-техникавий ҳолати қониқарли (82,5%). Мебеллар ҳолати ва уларнинг жойлаштирилиши (60%) қониқарсиз, овқатланиш 80% таъминланган, болаларнинг тиббий таъминоти — 85%. Юқорида кўрсатиб ўтилган омиллар ҳам аҳамиятли хавф омиллариdir ва гигиеник коррекциялашга муҳтоҷ.

232 ва 270-сонли МТМ да бошқа аҳамиятли кўрсаткичлардан мебеллар ва уларнинг жойлаштирилиши қониқарсиз (60%), овқатланиш 80% таъминланган, кўрсатилган муассасалардаги тиббий таъминот 85% таъминланган. Турган гапки, аниқланган омиллар аҳамиятли хавф омиллари бўлиб, гигиеник коррекциялашга муҳтоҷ ҳисобланади.

МТМ гигиеник ҳолатнинг комплекс сон кўрсаткичи (КМБМ – тўртта асосий кўрсаткичларнинг фоиздаги қиймати йифиндисининг улар сонига бўлинмаси) КМБМ-134 — 84,24%; КМБМ-148 — 84,6%; КМБМ-232 — 84,7%, КМБМ-270 — 83,9%, КМБМ-525 — 89,4%, КМБМ-546 — 84,6% ни ташкил этишини, яъни таълим ва тарбия шароитлари қониқарли эканлигини кўрсатди.

Қиёсланаётган МТМ кўрсаткичларининг шартли бирликлардаги ҳисоблари 2-жадвалда кўрсатилган.

МТМ134да “Ер майдони” меъёрга 84,5% мос келади, бу 1,8 (100:84,5) шартли бирликни ташкил этади; “Бино” МТМ134— 96,6%, яъни 1,03 шарт. бир; “Санитария-техника ҳолати”— 1,49 шарт. бир. “Таълим-тарбия жараёни” – 1,12 шартли бирлик.

Оқибатда, МТМ134 асосий кўрсаткичлар қийматлари жамламаси 4,89 шарт. бир. ни ташкил этади. Уни асосий кўрсаткичлар сонига бўлганда, КМБМ134 = 4,82:4=1,205 шартли бирлик олинди.

Шунга ўхшаш ҳисобларда КМБМ-148 да 1,19 шартли бирлик олинди.

КМБМ-232 ни ҳисоблаганда — 1,18 шарт. бир; КМБМ-270 да — 1,2 шартли бирлик олинди.

Шундай қилиб, МТМдаги таълим-тарбия жараёни ҳолатининг гигиеник талабларга фоизлардаги мослиги қанчалик ёмон бўлса, унинг шартли бирликлардаги қиймати шунчалик катта бўлади [12,13,14].

134,148, 232, 270 мактабгача таълим муассасаларнинг санитария-техника ҳолати энг юқори даражада коррекциялашни талаб қиласди.

Муҳокама

Маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдик, Республикаизда МТМдаги таълим-тарбия шароитларининг гигиеник меъёларга мослигини баҳолаш мактабгача ёшдаги болаларнинг тизимли ўқитишига мос эмас.

Шу тариқа, ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги нафақат илмий текширувлари билан, балки уларнинг амалий зарурлиги билан белгиланади, чунки мактабгача ёшдаги болаларнинг тизимли ўқитишига тайёрлигини ўрганиш жамият учун, бутун тиббиёт ва хусусан педагогика учун энг долзарб масала бўлиб қолаверади.

Муаллифлар Г.И.Шайхова ва бошқалар (2008) томонидан МТМ текширувлари ўтказишни оптимальлаштириш бўйича услубий қўлланма тақдим этилган бўлиб, уларни амалга тадбиқ этиш санитария назорати МТМ даги таълим ва тарбия шароитларни баҳолашни объективлаштиришга имкон беради. Пономаренко И.И. ва Черкашин О.Г. (2009) томонидан ишлаб чиқарилган МТМни оптимальлаштириш бўйича услубий қўлланма Россияда амалга тадбиқ этилган ва кўрсатмалар уларнинг иқлим шароитларига мос равишда амалга оширилган.

Олиб борилган тадқиқотлар бўйича Республикаиздаги мактабгача тарбия муассасаларининг таълим-тарбия жараёни ҳолати гигиеник талабларга жавоб бермайди ва уларнинг шартли бирликлари қиймати анча паст [12,13,14].

Бу ҳолатлар муассасаларнинг санитария-техника ҳолатини ўзгартиришини талаб қиласди.

Шу тариқа, МТМ ҳолатини баҳолашнинг такомиллаштирилган усулидан фойдаланиш асосида ҳар бир омилнинг кичик ёшдаги болалар саломат-

лигини мустаҳкамлашга қаратилган, хавф омилларининг бошқариш бўйича тезкор қарор қабул қилишга имкон берадиган объектив сифат ва сон кўрсаткичи аниқланди.

Хулоса

1. МТМ да таълим ва тарбия бериш шароитларининг гигиеник талабларга мослигини баҳолашнинг тавсия этилган мезонларидан фойдаланиш нафақат ушбу талабларга жавоб бермайдиган омилларни аниқлабгина қолмай, коррекциялашни талаб этувчи муҳим омилларни белгилашга ҳам имкон беради.

2. Гигиеник кўрсаткичларни комплекс баҳолаш гигиеник талабларга мосликнинг фоизда ёки шартли бирликда ифодаланиши мумкин; бунда шартли бирлик қанчалик катта бўлса, болаларга таълим ва тарбия бериш шароитлари шунчалик ёмон бўлади.

Адабиётлар

1. Кучма В. Р. Гигиена питания детей и подростков. – Гигиена детей и подростков. – М., 2008. – С. 269-281.

2. Кучма В. Р. Теория практика гигиены детей и подростков на рубеже тысячелетий. – М., 2001. – 120 с.

3. Кучма В.Р., Сухарева Л.М., Макарова А.Ю. Научные основы благоустройства и озеленения детских площадок дворовых территорий // Гигиена и санитария. –2008. –№1. – С.51-55.

4. Матусевич Е.Ю., Сетко И.М., Халиулина Ф.Ф. Функциональное состояние дошкольников в зависимости от уровня санитарно-гигиенического благополучия детского образовательного учреждения // Гигиена и санитария. –2009. –№4. – С. 54-55.

5. Онищенко Г.Г. Санитарно-эпидемиологическое благополучие детей и подростков: состояние и пути решения проблем // Гигиена и санитария. –2007. –№2. – С. 53-59.

6. Пономарева Л. А., Маматкулов Б. М. Использование принципов доказательной медицины при организации и проведении гигиенических исследований: Метод. рекомендации. – Т., 2004. – С. 22-24.

7. Пономаренко И.И., Черкашин О.Г. Гигиеническая характеристика детских образовательных учреждений // Гигиена и санитария. –2009. –3. – С. 76-78.

8. Сорокина А.А. Психологическая готовность детей к школьному обучению.// Территория науки. 2016. –№ 4. – С.141-144.

9. Сулима Н.В., Холод Е.В. Оценка готовности детей старшего дошкольного возраста к обучению в школе с учетом функциональной асимметрии мозга // Young Scientist. – 2015. – Vol. 865-868.

10. Ўзбекистон Республикасида Мактабгача таълим муассасалари тузилиши ва таркибининг санитария қоидалари. - Санитария қонун ва меъсрлари 2017. – №0351.

11. Шайхова Г. И. Болалар ва ўсмирлар гигиенаси – Тошкент, 2004, - 323 б.

12. Шайхова Г.И., Пономарева Л.А., Азизова Ф.Л., Салихова Н.С. Комплексная гигиеническая оценка условий воспитания и обучения детей и подростков. Методические рекомендации. –Т., 2008. -13 с.

13. Шульга Т.И. Эмоционально-волевой компонент психологической готовности к обучению школьников. Вестник МГОУ. Серия «Психологические науки». – 2012. – №1. – С. 60-66.

14. Юрко Г.П., Лашнева И.П., Березина Н.О., и др. Состояние здоровья детей и разработка оздоровительных мероприятий в дошкольных образовательных учреждениях // Гигиена и санитария. –2000. –№4. –С.39-40.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАЛАРИ ТАЙЁРЛОВ ГУРУХЛАРИДА ТАРБИЯЛАШ ШАРОИТЛАРИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ

Хусанова Н. Ф., Шайхова Г.И.

Maқсад: мактабгача таълим муассалари тайёрлов гурухларида тарбиялаш шароитлари ва уларнинг болалар саломатлиги учун аҳамиятини гигиеник баҳолаш учун янги ишлаб чиқарилган тадбирларни асослашнинг аҳамияди кўрсатилган. **Материал ва усуслар:** мактабгача таълим муассасаларининг гигиеник ҳолатини баҳолаш қўйидаги асосий омиллар, ер участкаси, бино, санитария техникаси ва унинг ҳолати, ўқув жараёни қилиб белгиланди.

Бу омилларнинг ҳар бири 5 дан 12 гача аҳами-

ятли кўрсаткичга эга. **Натижса:** ҳар бир кўрсаткични аниқлаш учун қўйидаги мезонлардан фойдаланилди: яхши - 100%; қониқарли - 70-89,9%; қониқарсиз - 50-69,9% гигиеник тала-бга жавоб беради. **Хуноса:** таълим ва тарбия бериш шароитларининг гигиеник талабларга мослигини баҳолашда тавсия этилган мезон-лардан фойдаланиш нафақат ушбу талаблар-га жавоб бермайдиган омилларни аниқлабгина қолмай, коррекциялашни талаб этувчи муҳим хавфли омилларни белгилашга имкон беради.

Калит сўзлар: мактабгача таълим муас-салари, ер майдони, бино, санитария-техника жиҳозлари, таълим-тарбия жараёни.
